



ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ТАҲЛИЛИ

Закиров Абдуазим Абдурашидович

Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада бизнес жараёнларнинг муҳим элементлардан бири ҳисобланган инновацион-инвестицион йўналишнинг моҳияти, унинг амалакатимиздаги ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бизнес жараён, инновация, инвестиция, түқимачилик ва тикув-трикотаж саноати, лойиҳа.

Жаҳонда инновацион ривожланиш шароитида саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш, инновацион фаолият самарадорлигини таъминлашда рағбатлантиришни амалга ошириш омилларини баҳолаш, саноат корхоналари, хусусан, түқимачилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўналишлари ва замонавий тенденцияларини, инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкил этиш, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда KPI қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб бериш борасида ишларга алоҳида ургу берилмоқда. Инновацион жараёнлар ва уларни бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилганда түқимачилик корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг хусусиятларига алоҳида тўхтамоқ зарур. Ички ва ташқи бозорда конюнктура тез ўзгариб бораётган ҳозирги кунда түқимачилик корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятнининг хусусиятлари:

- олдин эҳтиёж бўлмаган, янги хосса ва хусусиятларга эга янги тур маҳсулотларини яратиш;
- ресурстежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- самарадорлик ва унумдорликни ошириш имконини берадиган технологик жараёнларни ташкил этиш;
- сифат кўрсаткичларини яхшилашга имкон берадиган технологик жараёнларни жорий этиш;
- иш унуми юқори, янги техник имконияларга эга дастгоҳлар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Түқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион-инвестицион фаолиятини бошқариш ҳолатини таҳлили қуидидаги жадвалда келтирилган.



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасида 2018-2022 йилларда инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш динамикаси¹

№	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2022 й. 2018 й.га нисбатан %
1	Ўзлаштирилган инновацийн-инвестиция лойиҳалари сони	29	60	65	71	85	2,9 марта
2	Инновацийн-инвестиция лойиҳалари қиймати, млн. долл. Жумладан:	540	550,7	829,7	474,1	836,3	154,9
	Ўз маблағлари ҳисобига	186,3	274,5	268,6	136,4	216,5	116,2
	Тижорат банклар кредитлари	345,6	262,8	536,7	234,4	479,0	138,6
	Хорижий инвестициялар ва кредитлар	8,1	13,5	24,3	103,3	140,8	17,4 марта
3	Яратилган иш ўринлари сони	10136	10654	15568	16855	22820	2,3 марта
4	Лойиҳанинг экспорт салоҳияти, млн.долл	174,2	253,6	377,3	187,4	255,8	146,8

2018-2022 йилларда қиймати 1854,5 млн. АҚШ доллари бўлган 200 га яқин инвестицион лойиҳа амалга оширилган. Бу лойиҳаларнинг аксарияти тайёр маҳсулотлар, яъни бўялган ип-калава, трикотаж мато, газламалар, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ишглаб чиқаришга ихтисослашган. Лойиҳалар корхонанинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредити ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилган. 2022 йилда 2018 йилга нисбатан амалга оширилган инновацион-инвестициялари ҳисобига тармоқнинг экспорт салоҳияти 81,2 млн. АҚШ долларига ортиб, 12684 та янги иш ўринлари яртилган.

¹ “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тузилган



Юқоридаги кўрсаткичларни ижобий баҳолаш мумкин, аммо шу билан бирга ушбу натижалар мамлакатнинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноат тармоқларидағи салоҳиятига мос эмас. Фикримизча ушбу саноат тармоқларида қуйидаги йўналишларда инновацион-инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш истиқболли ҳисобланади:

- тайёр газламалар ишлаб чиқариш (жинси газламаси, тукли сочиқбоп матолар, кўйлакбоп газламалар);
- тўқимачилик аксессуарлари: тўкув дастгоҳлари, йигирув ишлаб чиқариши учун эҳтиёт қисмлар;
- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш.

Инновацион-инвестицион ресурсларни юқорида кўрсатилган йўналишларда ишлаб чиқариш қувватларига йўналтириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Биз ушбу мақола тўқимачилик саноатида бизнес жараёнларнинг муҳим таркибий элеменларидан ҳисобланган инновацион-инвестицион фаолятнинг моҳияти, мамлакатимизда ушбу йўналишнинг бугунги ҳолати ва ривжлантириш истиқболлари хусусида сўз юритдик. Айтилган фикр-мулоҳазалардан қуйидагиларни хulosса қилиш мумкин:

- инновацион-инвестицион фаолиятни бошқаришнинг хориж тажрибасига асосланган ҳолда давлатнинг инновацион сиёсати самарали бўлиши учун инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали фаолликни ошириш;
- инновацияларни номоддий активлар сифатида ҳисобга олиш орқали капиталлашувни ошириш;
- ягона ҳуқуқий, ахборот ва савдо майдонини яратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Томан Х. Прямые иностранные инвестиции в переходные периоды экономики. Берлин, Германия, 2004.
2. Шоюсупова Л. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация соҳасининг ривожига хорижий инвестицияларни жалб этиш. –Иқтисодиёт институти, -Т; 2001 йил.
3. Исмоилова К. Ўзбекистонда инвестиция бозори ва уни тақомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт институти. – Т; 2003 йил
4. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари